Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 143 (3644)
26 ДУШАНБА ИЮНЬ 1978 Й.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ


МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

Навоий кўчасида Тошкент шаҳар ижроия комитети архитектура-планлаштириш Бош бошқармасининг ходимлари учун 40 хонадонга мўлжалланган турар жой биноси ва 120 ўринли ётоқхона қуриляпти.

БУГУН

ОБЪЕКТДА УМУМИЯ ҚУРИЛИШ-МОНТАЖ ИШЛАРИ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ ТУГАЛЛАНДИ.

Бу ишларни «Главташкентстрой»га қарашли 159-қурилиш трести 13-қурилиш бошқармасининг В. Писнохо бошлиқ комплекс бригадаси амалга оширди.



Мукофот топширилиш пайти.

МИНСК, СЕНИНГ ЖАСОРАТИНГ СЎНМАЙДИ!

ҚАҲРАМОН ШАҲАРГА ЛЕНИН ОРДЕНИ ВА «ОЛТИН ЮЛДУЗ» МЕДАЛИ ТОПШИРИЛИШИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ ЙИҒИЛИШ

МИНСК, 25 июнь. (ТАСС махсус мухбирлари). Шаҳар меҳнаткашларининг Ватан олдидаги гоят катта хизматлари, гитлерчи босқинчиларга қарши курашда кўрсатган мардлиги ва қаҳрамонлиги учун, Улуғ Ватан уруши йилларида Белоруссияда умумхалқ партизанлар ҳаракатини кучайтиришда катта роль ўйнаганлиги учун ҳамда Белоруссия ССРнинг немис-фашист босқинчилардан озод этилганлигининг 30 йиллигини нишонлаш юзасидан Белоруссия пойтахти Минскка «Қаҳрамон шаҳар» фахрий унвони берилди.

Бугун Белоруссия ССР опера ва балет катта театри биносида шаҳарга Ленин ордени ва «Олтин Юлдуз» медали топширилишига бағишланиб Минск шаҳар партия комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг партия, жамоат ташкилотлари, меҳнаткашлар коллективлари ҳамда Минск гарнизони ҳарбий қисмлари вакилларн иштирокида тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари, СССР ва БССР Олий Советларининг депутатлари, ишлаб чиқариш илғорлари, машҳур олимлар, маданият арбоблари, Ленин партиясининг ветеранлари, Қизил Байроқ ордени Белоруссия ҳарбий округи ҳарбий кенгашининг аъзолари, таниқли ҳарбий бошлиқлар яширин шароитда ишлаган область партия комитетлари ва Минск шаҳар комитетининг собиқ секретарлари, партизанлар бригадаларининг командирлари ва комиссарлари, совет Белоруссияси пойтахтини гитлерчи босқинчилардан озод этиш учун олиб борилган жангларнинг ветеранлари залга тўпландилар.

Йиғилиш аҳли КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневни КПСС, унинг ленинчи Марказий Комитети, улуғ совет халқи шарафига қизғин қарсаклар, табрик сўзлари билан кутиб олди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР мудофаа министри Д. Ф. Устинов, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари П. М. Машеров, Белоруссия ССР Олий Совети Президиумининг Раиси И. Е. Поляков, республика Министрлар Советининг Раиси Т. Я. Киселев, Белоруссия Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари Минск шаҳар партия комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари, халқ депутатлари шаҳар Совети ижроия комитетининг аъзолари, ишлаб чиқариш донғдорлари, фан ва маданият арбоблари тантанали йиғилиш президиумидан жой олдилар. Республиканинг Улуғ Ватан уруши даврида Белоруссия Компартияси Марказий Комитети собиқ биринчи секретари, партизанлар ҳаракати марказий штаби бошлиғи П. К. Пономаренко билан биргаликда келган раҳбарлари, тантаналарда қатнашиш учун республиканинг ҳамма областларидан келган делегацияларнинг раҳбарлари, Минскнинг фахрий граждан-лари ҳам президиумда ўтиришибди.

Тантанали йиғилишни Белоруссия Компартияси Минск шаҳар комитетининг биринчи секретари Г. Г. Бартошевич очди.

Совет Белоруссиясининг пойтахти — қаҳрамон шаҳар Минск меҳнаткашлари, бутун белорус халқи шу кунларда ҳаяжонли ва шодиёна воқеаларни бошидан кечирмоқда, деди у. Ватаннинг олий мукофоти Ленин ордени ва «Олтин Юлдуз» медалини шаҳримизга топшириш учун республиканинг Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси, халқаро коммунистик ҳаракатнинг атоқли арбоби, тинчлик учун ва халқаро кескинликни юмшатиш учун актив курашчи ҳурматли ўртоқ Леонид Ильич Брежнев шаҳримизга келганлигидан гоят бахтиёрмиз ва беҳад фахрланамиз.

Раислик қилувчи мажлис иштирокчилари номидан Леонид Ильич Брежневни, тантаналарда қатнашиш учун келган сон-саноқсиз меҳмонларни қизғин ва самимий табриклади.

Совет Иттифоқининг ва Белоруссия ССРнинг Давлат гимнлари янграйди.

Ўртоқ Л. И. Брежнев нутқи

Ҳурматли ўртоқлар!

Азиз минскликлар!

Менга масъулиятли ва шодиёна вазифани — совет Белоруссиясининг «Қаҳрамон шаҳар» фахрий унвонига сазовор бўлган пойтахти Минскка Ватаннинг олий мукофотлари — Ленин ордени ва «Олтин Юлдуз» медалини топшириш вазифаси юклатилган.

Шу тантанали, шу байрамона кунда сизларни ва республиканинг барча меҳнаткашларини юксак мукофот билан астойдил муборакбод этишга ижозат бергайсизлар.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советидан энг қизғин қутловлар қабул этгайсизлар.

Барча совет кишилари бугун юксак интернационал бурч туйғусига эга бўлган Ватанимиздаги барча миллат ва элатлар билан бир сафда комил ишонч билан бораётган мард ва матонатли, меҳнатсевар ва камтарин шонли белорус халқига ўз қутловлари ва саломларини йўлламоқдалар.

Шаҳарларга бериладиган мукофотлар — одамларга берилган мукофотлардир, албатта. Шаҳарларни одамлар барпо этишади. Уларни одамлар ҳимоя қилишади. Одамлар култепалар ўрнида янги шаҳарлар барпо этишади. Шаҳарларни одамлар обод қилишади ва уларнинг кўркига-кўрк қўшишади.

(Давоми иккинчи бетда).

ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВ МИНСККА ЖЎНАБ КЕТДИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев 24 июнда Минскка жўнаб кетди. У қаҳрамон шаҳарга Ленин ордени ҳамда «Олтин Юлдуз» медали топширишга бағишланган тантаналарда қатнашади. Ўртоқ Л. И. Брежнев билан бирга КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР мудофаа министри Д. Ф. Устинов жўнаб кетди.

Вокзалда Ўртоқ Л. И. Брежневни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари Ю. В. Андропов, В. В. Гришин, А. А. Громико, А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, А. Я. Пельше, М. А. Суслов, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолиги кандидатлари П. Н. Демичев, В. В. Кузнецов, Б. Н. Пономарев, М. С. Соломенцев, К. У. Черненко, КПСС Марказий Комитетининг секретарлари В. И. Долгих, Я. П. Рябов, К. В. Русаков, КПСС Марказий Комитетининг аъзолари Г. С. Павлов, Г. Э. Цуканов, Н. А. Шчелоков, КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат С. К. Цвигун, КПСС Марказий ревизия комиссиясининг аъзоси А. И. Блатов, темир йўллар министри И. Г. Павловский, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг референти Е. М. Самотейкин кузатиб қолдилар.

Ўртоқ Л. И. Брежневга КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси А. М. Александров, КПСС Марказий Комитети ишлар мудирининг ўринбосари М. Е. Могилевец ҳамроҳлик қилмоқдалар.

(ТАСС).

БЕЛОРУССИЯ ПОЙТАХТИДА САМИМИЙ КУТИБ ОЛИШ

МИНСК, 25 июнь. (ТАСС махсус мухбирлари). Қаҳрамон шаҳарга Ленин ордени ва «Олтин Юлдуз» медали топширишга бағишланган тантаналарда қатнашиш учун келган КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневни бугун минскликлар самимий, шодиёна кутиб олдилар.

Ўртоқ Л. И. Брежнев билан бирга КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР мудофаа министри Д. Ф. Устинов, шунингдек КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси А. М. Александров, КПСС Марказий Комитети ишлар мудирининг ўринбосари М. Е. Могилевец ҳам Минскка келишди.

Эрталаб соат 10. Поезд перрон олдига келиб тўхтайди. Леонид Ильич Брежневни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари П. М. Машеров, Белоруссия ССР Олий Совети Президиумининг Раиси И. Е. Поляков, республика Министрлар Советининг Раиси Т. Я. Киселев, Белоруссия Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва бюро аъзолигига кандидатлар, Минск шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Г. Г. Бартошевич, шаҳар партия комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари, республика область партия комитетларининг биринчи секретарлари ва область ижроия комитетларининг раислари, Минск шаҳрининг фахрий граждан-лари шодиёна кутиб оладилар.

Ўртоқ Л. И. Брежневга шаҳарнинг рамзий калити топширилади.

Пионерлар Леонид Ильичга гулдасталар тақдим этадилар.

Юз минглаб минскликлар Л. И. Брежневни табриклаш учун шаҳарнинг байрамона безатилган кўчалари ва майдонларига чиқдилар. Бинолар пештоқида шаҳар аҳолисининг қўлларида «КПСС-га шон-шарафлар!», «Яшасин қаҳрамон совет халқи!», «Хуш келибсиз, азиз Леонид Ильич!» деган шиорлар ёзилган транспарантлар кўзга ташланади.

Машиналар кортежи Ғалаба майдонига кириб келади. Майдон марказида Улуғ Ватан уруши йилларида Ватан учун олиб борилган жангларда мардлик ва қаҳрамонлик кўрсатган Совет Армияси жангчилари ҳамда партизанлари шарафига ёлғорлик—обелиск қад кўтариб турибди. Монумент ёнида қаҳрамонлар хотирасини абадий машъал ёқилган. Майдонда Минск гарнизони жангчиларининг фахрий қоровули саф тортиб турибди.


Л. И. Брежнев обелиск пойига гулчамбар қўйди. Гулчамбарнинг қизил лентасига «Ватанимизнинг шон-шарафи, озодлиги ва мустақиллиги учун курашда ҳалок бўлган жангчилар, партизанлар, подпольчиларга, Л. И. Брежневдан» деб ёзилган.

Л. И. Брежнев ва Д. Ф. Устинов ўртоқлар бир минут сукут сақлаб социалистик Ватанни ҳимоя қилиш йўлида жонини фидо қилган кишиларнинг хотирасини ҳурмат билан эсладилар.

Гулчамбар қўйиш маросимида П. М. Машеров, республиканинг бошқа раҳбарлари, Минскни озод қилиш учун олиб борилган жанглариинг ветеранлари ҳозир бўлдилар.

Шундан кейин Л. И. Брежнев шаҳар бўйлаб сафар қилди, янги уй-жой бинолари қурилаётган районларни бориб кўрди.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Л. И. Брежневнинг Минск меҳнаткашлари билан самимий учрашуви партия билан халқ бузилмас бирлигининг, КПСС ва Совет давлатининг ички ва ташқи сиёсати яқдиллик билан қўллаб-қувватланаётганлигининг ёрқин намойишига айланди.



Суратда: ўртоқ Л. И. Брежневни Минск шаҳрида кутиб олиш пайти. (ТАСС фотолари).

ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВ ЎРТОҚ П. М. МАШЕРОВГА МУКОФОТ ТОПШИРДИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев 25 июнь куни Минскда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари П. М.Машерова Ленин ордени ва Социалистик Меҳнат Қаҳрамонининг «Ўрок ва Болға» олтин медалини топширди.

Залда мукофотни топшириш вақтида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР мудофаа министри Д. Ф. Устинов, Белоруссия Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва бюро аъзолигига кандидатлар, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари, Белоруссия Компартияси область комитетларининг биринчи секретарлари, область ижроия комитетларининг раислари ҳозир бўлдилар.

Мукофотни топшириш маросимида Ўртоқ Л. И. Брежнев нутқ сўзлади.

Л. И. БРЕЖНЕВ нутқи

Азиз Петр Миронович!

Мен Сизга Ленин ордени ва Социалистик Меҳнат Қаҳрамонининг «Ўрок ва Болға» олтин медалини топшираётганлигимдан гоят мамнунман. Сизнинг олтмиш ёшга тўлишингиз шу юксак мукофот билан тақдирланди. Бу мукофот Сизнинг Коммунистик партия ва Совет давлати олдидаги катта хизматларингиз бутун халқ томонидан эътироф қилинганлигидан далолат беради.

Сизнинг бутун ҳаётингиз Белоруссия ССР билан боғланган. Сиз ўзингизнинг меҳнат фаолиятингизни шу ерда бошладингиз. Сиз бу ерда Улуғ Ватан уруши йилларида партизан отрядларида мардона жанг қилдингиз. Ватан Сизнинг жасоратингизга юксак баҳо берди. 1944 йилда Сизга Совет Иттифоқи Қаҳрамони деган фахрий унвон берилди. Сиз бу ерда, Белоруссияда партия ва давлат ходими бўлиб етишдингиз.

Белоруссия хўжалик ва маданиятни ривожлантириш соҳасида эришган ажойиб муваффақиятлар Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг тўғри сиёсий йўли натижаси, мамлакатимиздаги барча халқларнинг ёрдам ва мададига таянган белорус халқи фидокорона меҳнатининг натижасидир.

Шу билан бирга бу муваффақиятлар республика партия ташкилоти, Белоруссия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг самарали ташкилотчилик ва сиёсий ишлари натижасидир. Сиз 1965 йилдан буён Белоруссия Компартияси Марказий Комитетига бошчилик қилиб келмоқдасиз.

Сиз партиянинг сиёсатини ва унинг қарорларини амалга оширишда зўр ғайрат, саботматонат ва собитқадамлик билан иш кўраётганлигингизни яхши биламиз. Сизнинг кўп йиллик меҳнатингиз ўз халқига, коммунизм ишига фидокорона хизмат қилиш намунасидир.

Азиз Петр Миронович, Ватаннинг юксак мукофоти билан бирга шахсан менинг табригимни ва барча ўртоқларим — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари ва Марказий Комитет секретарларининг табригини ҳамда сиҳат-саломатлик, узоқ умр, улуғ Ватанимиз бахт-саодати йўлида бундан буён ҳам актив ишлаш борасида изҳор қилган самимий тилакларимизни қабул қилгайсиз.

* * *

Ўртоқ П. М. Машеров жавоб нутқи сўзлади.

П. М. МАШЕРОВ нутқи

Азиз Леонид Ильич!

Ҳурматли ўртоқлар!

Менга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилиши муносабати билан гоят ҳаяжоланаётганлигимни, чексиз қувонч ва зўр масъулият туйғуларини ҳис қилаётганлигимни сўз билан ифода қилишим қийин.

Бугун Сизнинг қўлингиздан Ватаннинг олий мукофотини қабул қилиб олар эканман, менга кўрсатилган буюк шараф учун, менинг ишимга берилган юксак ва зиммамга кўп бурч юклайдиган баҳо учун, ҳурматли Леонид Ильич, шахсан Сизга, КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюросига, СССР Олий Совети Президиумига, Совет ҳукуматига сидқидилдан, самимий ташаккур ва миннатдорчилик изҳор қиламан.

Мен Ватаннинг бу мукофотини аввало, Белоруссия Компартиясининг фаолиятига берилган ижобий баҳо, республикамиз меҳнаткашларининг хўжалик ва маданий қурилишда эришган катта муваффақиятларининг эътироф этилиши, деб ҳисоблайман.

Мен шу қадар юксак баҳо олган ҳамма хизматларим учун Ленин партиясидан, унинг Марказий Комитетидан, КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюросидан миннатдорман. Леонид Ильич, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси составида Сизнинг бевосита раҳбарлигингизда кўп йиллар мобайнида меҳнат қилиш каби бахтга сазовор бўлдим. Мен Сиз билан ёнма-ён туриб ишлаб, доим Сиздан ҳар томонлама, жуда катта ёрдам ва мадад олиб келдим ва олиб келмоқдаман. Бу менинг учун ленинча услубнинг катта мактаби, чинакам ишчанлик, ленинча курашиш ва галаба қозонишнинг ҳақиқий университетидир.

Леонид Ильич, Сиз бошчилик қилаётган КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси бизга социалистик тузумимизнинг улуғ ватанпарвар, меҳнаткаш ва ижодкор совет кишисининг битмас-туганмас бунёдкорлик имкониятларига комил ишонч билан, юксак партиявий принципиаллик, донолик, кенг кўламда ва собитқадамлик билан фақрлаш ҳамда ҳаракат қилиш маҳорати намунасини кўрсатиб бермоқда.

Сизнинг ҳозиргина республикамиз, халқимиз шаънига ва шахсан менинг шаънимга айтган самимий, гоят илиқ сўзларингиз мен учун айниқса азиз ва қимматлидир.

Белоруссия Компартиясига берилган ана шу илҳомбахш баҳога жавобан шаҳар ва қишлоқларимиз меҳнаткашлари КПСС XXV съездининг қарорларини, ўнинчи беш йиллик планларини, сизнинг асос бўлиб хизмат киладиган кўрсатмаларингизни амалга ошириш учун янада зўр ташаббус кўрсатиб, иқтодий меҳнат киладилар. Республика олдида турган вазифалар муваффақиятли бажарилади, деб айтиш учун ҳамма асослар бор.

Мен сўзимнинг охирида совет халқининг бахт-саодати учун, социалистик Ватанимизни янада гуллаб-яшнатиш, коммунизм тантанаси йўлида бундан буён ҳам бутун куч ва қобилиятимни сарфлаб меҳнат киламан, бутун тажрибам, билим ва ғайратимни шу улуғ ишга бағишлайман, деб КПСС Марказий Комитетини, азиз Леонид Ильич, шахсан Сизни ишонтириб ўтишни ўз бурчим деб ҳисоблайман.

* * *

Залда ҳозир бўлган кишилар Ўртоқ П. М. Машеровни Ватанимиз юксак мукофоти билан қизғин табрикладилар, унга сиҳат-саломатлик, Коммунистик партия ва совет халқининг бахт-саодати йўлидаги фаолиятида янгидан-янги муваффақиятлар тиладилар.

БЕЛОРУССИЯ КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА СУҲБАТ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев 25 июнь куни Белоруссия Коммунистик партиясининг Марказий Комитетида Белоруссия Компартияси ва Белоруссия ССР раҳбарлари ҳамда республика областларининг раҳбар ходимлари билан учрашди. Учрашувда Л. И. Брежнев билан бирга Минскка келган КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР мудофаа министри Д. Ф. Устинов, шунингдек КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси А. М. Александров ва КПСС Марказий Комитети ишлар мудирининг ўринбосари М. Е. Могилевец қатнашдилар.

Леонид Ильич Брежневни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари П. М. Машеров Белоруссия ССР Олий Совети Президиумининг Раиси И. Е. Поляков, Белоруссия ССР Министрлар Советининг Раиси Т. Я. Киселев, Белоруссия Компартияси Марказий Комитети бюросининг бошқа аъзолари ва аъзоликка кандидатлари, Белоруссия ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари, Белоруссия область комитетларининг биринчи секретарлари, область ижроия комитетларининг раислари кутиб олдилар.

Ўртоқ П. М. Машеров Леонид Ильичнинг қаҳрамон шаҳар — Минскка келганлигидан зўр мамнуният изҳор қилди. У Совет Белоруссияси ва унинг пойтахти қандай ривожланаётганлиги ҳақида, республиканинг коммунистлари ва барча меҳнаткашлари ўзининг беш йиллик планини тўла ва ошириб бажариш учун зўр ғайрат билан курашаётганлиги тўғрисида сўзлаб берди.

(Давоми иккинчи бетда).

МИНСК, СЕНИНГ ЖАСОРАТИНГ СЎНМАЙДИ!

(Бошн биринчи бетда).

Шаҳрингизнинг мустаҳкам революцион анъаналари бор. РСДРПнинг биринчи съезди шу ерда бўлган. Революцион Петроградга юборилган Минск қизил гвардиячилар дружинаси Қишки саройни штурм қилишда қатнашган. Даҳшатли уруш кунларида ҳам. тинч қурилиш йилларида ҳам Минск коммунистлари омманинг қаҳрини етакчи ва ташкилотчилари. партия сиёсий йўлининг изчил ўтказувчилари бўлдилар.

Бугун биз дастлабки минтақачилик сўзларини, ташаккур ва бешиқ зўр ҳурмат сўзларини гитлерчиларнинг ҳарбий машинасига ўз қаҳрамонлигини ва ғалабага бўлган иродасини қарамасдан қаршн қилиб қўйган минг-минглаб минскликларга айтамиз. Минскни душман босиб олган бўлса ҳам. аммо у ҳеч қачон тиз чўкмаган.

Яширин шаҳар партия комитети раҳбарлигида шаҳарда махфий группалар ва ташкилотларни жуда кенг тармоғи ни ташкил қилиб борди. Оммавий қатл этишлар ҳам. жаллодларнинг ёвузликлари ҳам қаҳрамонлар иродасини бука олмади. Минск — оккупантчилар учун. даҳшатли дўзах бўлиб қолди. Душман ўзини бир кун ҳам хавф-хатарсиз сезмади. Минскда яширин иш олиб борган қаҳрамонларнинг уч йиллик курашининг ёркин натижасига бир ярим мингга жанговар операция ўтказилди.

Минск ёлғиз эмас эди. Бутун Белоруссияда туғён урган партизанлар ҳаракати билан минскликлар жуда яқин алоқа боғлаган эдилар 213 та партизанлар бригадаси ва 258 та алоҳида партизан отряди душман ичарисида баҳодирона жанг қилди. Бу — чиниқам муқаддас халқ уруши эди.

Ҳар бир шаҳарда, ҳар бир белорус қишлоғида уруш ветеранлари: партизанлар, подпольечилар. фронтчилар бор. Улар шу заҳоти ҳам кўп. Жуда оғир синов дамларида Ватанни омон сақлаб қолган кишиларга сидқидилдан миннатдорчилик изҳор этиш учун сўз топиш қийин. Раҳмат сизларга. саломат бўлинглар. азиз дўстлар.

Белоруссия ўзининг икки миллиондан ортиқ ўғил ва қизидан жудо бўлди. Биз Ватанни омон сақлаш йўлида жонбай кечиб. мангу барҳаёт қолган кишиларнинг жасоратн олдида бош эгамиз.

Қаҳрамонларнинг порлоқ хотирасига ҳурмат бажо келтириш учун ўринларингиздан турганингизни илтимос қиламан. (Ҳамма ўринден туради. Бир минутлн сукунат).

Ўртоқлар! Ғалаба салюти садолари янграб ўтди. Уруш эпопеяси тугаб. мамлакатни қайта тиклаш эпопеяси бошланди. Кўпларингиз эҳтимолки, Минск урушдан қай қиёфада чиққанини эсларсизлар. Харобалар. култепалар. шўрга босган ялоқ ерлар.., шаҳар аслида яксон бўлган эди.

Яна жанг, яна кураш — Белоруссия пойтахтини култепалардан шунчаки тиклабгина қолмай. уни янада кўркамроқ қилиш учун кураш бошланди. Минск аҳолиси КПСС Марказий Комитети, Совет ҳукуматининг ёрдамига, барча иттифоқдош республикаларнинг қардошлик мададига таяниб мисли-сиз қисқа муддатда шаҳарни қайта тиклашлари.

Шинель ва гимнастеркаларни ечишга улгурмасдан-оқ, фронтдан қайтиб келганлар қариндош-уруғлари ва ёр-биродарлари билан саломалик қилишга улгурмасдан-оқ, жудоликларнинг аччик кўз ёшларини артишга улгурмасдан-оқ тиклаиш вахтасида тўриб ишлай бошлаганларга шон-шарафлар бўлсин. Минскка берилган юксак мукофот сизларнинг ҳам мукофотингиздир. азиз Ўртоқлар!

Мен мамлакатнинг жуда кўп шаҳарларида бўлишимга тўғри келган. Ҳеч бир муболағасиз айта оламанки: ҳозирги Минск энг гўзал шаҳарларнинг бири.

Минск кўчаларидан ўтар экансан. ўзр мамнуният туйғусига тўлиб-тошдим. Бу — меъморчилик заковати. замонавий шаҳарсозлик бирлиги ва мунтазамлиги билан. кўчаларнинг ободлиги ва озодалиги. кўкаламзорлар билан кишини қойил қолдиралиган шаҳар.

Ҳозир Минск — республикангизга эмас, бутун мамлакатнинг ҳам йирик индустриал марказидир. Сизлар ишлаб чиқараётган автомобиллар ва тракторлар, станоклар ва приборлар, электрон-ҳисоблаш машиналари ва оптика асбоблари яхши шуҳрат қозонган. Шаҳар ишлаб чиқараётган маҳсулотнинг йиллик ҳажми урушдан аввалги 1940 йилдагидан 72 баралар кўп. Маҳсулотларнинг учдан бир қисмидан кўпроғи Сифат белгиси билан чиқарилмоқда.

Минск ўзининг навқирон, аммо етук фани билан ҳақли равишда фахрлана олади. У физика, техникавий кибернетикаси, математика, ядро энергетикаси ва илм-фанининг шу сингари бошқа соҳаларидаги каттагина ютуқлари билан дадил донг тараттди. Олимларингиз илм-фан билан ишлаб чиқаришни самарали равишда боғлашнинг яхши намунасини кўрсатмоқдалар.

Минск — Белоруссия маданиятнинг марказидир. бутун кўп миллатли совет маданияти ривожига муносиб ҳисса қўшаётган шаҳардир. Бу ерда жойлашган йирик ўқув юртлари республика ва мамлакат учунгина эмас, дўст давлатлар учун ҳам юқори малакали мутахассислар тайёрлаб бермоқда. Сизларнинг театрларингиз, ашула ва рақс ансамбларингиз кенг танилган ва оммалашиб кетган.

Ҳозир шуни таъкидлаш айниқса қувончлики, Минск музейларида, ундаги кўчаларнинг номларида, муҳташам монументларда шаҳарнинг жанговар ўтмиши, Минск қаҳрамонлари тўғрисидаги хотира, ватанпарварлик ҳис-туйғулари ва меҳнат-гайрат — шижоати манбан бўлиб хизмат қилган ва хизмат қилаётган хотира ардоқлаб сақланмоқда.

Совет Белоруссияси, шу жумладан, унинг пойтахтининг муваффақиятлари — ленинча миллий сиёсатнинг жонли тимсолидир. социализм туфайли қулф урган халқ маънавий кучлари ижодий қудратининг рўёбга чиқаётганлигидир.

Минск ишчилари, инженерлари ва техниклари, олимлари ва маданият арбоблари, врачлари ва ўқитувчилари, барча меҳнатчиларини юксак мукофот билан табриклаб минскликлар бундан буён ҳам ўз шаҳрининг байроғини. жанговар ва меҳнат зафарлари шуҳратига чулғанган байроғни баланд кўтариб боравередилар, деб ишонч билдирмоқчиман.

Белоруссия Компартияси Марказий Комитети билан Минск область комитети раҳбарлигидаги Минск коммунистларининг юз минг кишилик отряди партилнинг ни форма ва методларини доимо такомиллаштираётганликлари юксак баҳога лойиқдир. Янгиликни пайқайдиган. ҳаёт. ривожланган социализм даври ўртага қўяётган вазифаларни омилкорлик билан ҳал эта оладиган партия, совет. хўжалик кадрларини қўпайтиришни муҳимдир.

Ўртоқлар! 1979—1980 йилларда биз ҳаммамиз зўр ғайрат билан ишлашимиз керак бўлади. Умуман беш йиллик топшириқларини бажариш учун қолган икки йилда ишлаб чиқаришни ўстириш суръатларини. меҳнат унумдорлигини анча оширш. бошқа қўпгина кўрсаткичларни яхшилаш лозим.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш партия ўртага қўйган жуда муҳим вазифадир. Бу ерларни ҳал этишга биз барча коллективларни сафарбар қиламиз. Бу ган сизларга ҳам тўла-тўкис тааллуқлидир. Шу муносабат билан иқтисодий тежамкорликни ҳар томонлама кучайтириш, барча бўғинларда хўжалик ҳисобини мустаҳкамлаш ва аввало, план интизомига қатъият билан мутасил риоя қилиш алоҳида аҳамиятга эгадир.

План интизомига риоя қилишнинг маъноси нима?

Бунинг маъноси планни ўз вактида. белгиланган муддатларда ишлаб чиқиб, уни яхши мувофиқлаштиришни таъминлаш. топшириқларни барча кўрсаткичлар. хўжалик бўғинлар ва республикалар бўйича балансланш демакдир.

Бунинг маъноси планда кўрсатилган топшириқларни истисносиз барча кўрсаткичлар бўйича сўзсиз бажариш демакдир. Бизда кўпинча план кўрсаткичлари ғўё «асосий» ва «иккинчи даражали» кўрсаткичларга бўлиб қўйилади. Планни «асосий» кўрсаткичлар бўйича бажаришга интилиб, ғўё «иккинчи даражали» деб аталган кўрсаткичларга эътиборсизлик билан қаралади. Бунга йўл қўйиб бўлмайди. Топширикдар тасдикдаб қўйилган барча кўрсаткичлар бўйича бажарилган тақдирдагина план бажарилган деб ҳисобланиши лозим.

План интизомига риоя қилиш — планлар қандай бажарилаётганлиги устидан кундалик амалий контрол ўрнатиш. план интизомини бузувчилардан қаттиқ жавоб талаб қилиш ҳам демакдир.

Вазият. объектив шарт-шароитларнинг ўзгариши план топшириқларга баъзи бир тузатишлар киритишни тақозо этмайдиган, хўжалик ходимларимиздан баъзи бирлари жонига ора киришга мўлжалланган тузатишлар ҳам бўлиб туради. Бундай тузатишлар план кўрсаткичларини ёмонлик томонга бузишни амисоли қонунлаштириб қўяди. Планга киритиладиган бундай «тузатишлар» қўпинча айрим ходимларнинг уюшқоқсизлиги ва фаолиятсизлиги оқибатидир. Натижада план ўзининг сафарбар этувчанлик кучидан маҳрум бўлади. ишдаги камчиликларни яширувчи ниқобга айланиб қолади.

«Енгиллаштирилган» план ишкибозларига бемалол ён берадиган юқори ташкилотларнинг раҳбарлари эса цент ўрнига 16.2 процент ошди. Пландан ташқари 590 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бундан ортиқ нима ҳам дея оларлик. Яхши ишлайпсизлар. Ана шундай ишлай беринглар!

Белоруссияда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда ҳам дуруст муваффақиятларга эришилди. Белорус ерлари бир вақтлар унумсиз деб ҳисобланар эди. Гектар бошига 7—8 центнер дон олишдан ортиқ ҳосилдорликка эришиб бўлмайдигандек туюларди. Ҳозирчи? Тўққизинчи беш йилликда ўртача йиллик дон ҳосилдорлиги 21,3 центнер бўлди, ўтган икки йилда эса гектар бошига 25 центнерга етди. Бу — ҳозирги замон агротехникасининг шарофатидир. Ерга омилкорлик билан, оқилона қарашнинг ҳикматидир.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтириш учун қурашда қишлоқ меҳнатчиларигина эмас, қишлоққа тракторлар, комбайнлар, бошқа машина-механизмлар ва минерал ўғитлар етказиб бераётган, мелиорация ишларини олиб бораётган ҳамма кишилар ҳам ўз куч-гайратларини кўпайтиришлари муҳимдир.

Ўртоқлар! 1979—1980 йилларда биз ҳаммамиз зўр ғайрат билан ишлашимиз керак бўлади. Умуман беш йиллик топшириқларини бажариш учун қолган икки йилда ишлаб чиқаришни ўстириш суръатларини. меҳнат унумдорлигини анча оширш. бошқа қўпгина кўрсаткичларни яхшилаш лозим.

Бундай камчиликлар ҳақидаги гапни давом эттириш мумкин. Аммо сизлар ўзларингизнинг камчиликларингизни ва ҳали қандай қатта резервлар ишга солинмаганлигини мендан яхшироқ биласизлар. албатта. Шаҳар ва қишлоқнинг барча меҳнатчиларини ана шу резервлардан ҳар томонлама фойдаланишга отлантириш партия ташкилотларининг шон-шараф ишидир.

КПСС Марказий Комитети Белоруссия коммунистлари ва барча меҳнаткашлари республиканинг дадил, муттасил олға ҳаракат қилиш маромини сақлаб қолиб, ўнинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажара оладилар ҳамда иқтисодий ва социал тараққиётнинг янги марраларини эгаллайдилар. деб умид қилишга ҳаклидир.

Ўртоқлар!

Бу ерда. Хатинь қўнғироқлари фожиона оғоҳлантириб. жаранглаб турган Белоруссия элида Совет Иттифоқининг тинчлик учун катъиятли курашн. янги жаҳон урушн аланга олиб кетмаслиги учун олиб борилаётган кураш накадар муҳимлигини айниқса равшан ҳис киласан. киши.

Ҳозир Нью-Йоркда БМТ Бош Ассамблеясининг қуролсизланишга бағишланган махсус сессияси ниҳоясига етай деб қолди. Бу сессия бутун инсониятнинг қуролланиш пойгасини тўхтатишдан чуқур манфаатдорлигини яна бир карра тасдиклади. БМТ аъзоларининг жуда кўпчилиги қуролсизланиш кераклигини айтди.

Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар сессияда қуролланиш пойгасини батамом тўхтатишнинг батафсил, дадил ва шу билан бирга реалистик программасини ўртага қўйдилар. Уларнинг таклифлари ассамблеядаги амалий мунозараларнинг марказида бўлди.

Сессия НАТОдаги бир қанча йирик мамлакатларнинг ва авало АКШнинг раҳбарлари қуролсизланиш вазифаларини ҳал этишга ижобий назар билан қараши мутлако ҳоҳламаётганликларини ҳам кўрсатди. Нью-Йоркда БМТ Бош Ассамблеясининг махсус сессиясида қуроллаиши пойгасини кенгайтириш ва авайиқса ўз қуролларининг янги турларини яратиш ҳақида гапирмай ўта олмайман. Республиканинг кўпгина завод ва фабрикаларида фондларнинг самарадорлиги суст ўсмоқда. Металл хом ашё ёқилғи ва электр энергияни ортиқча сарфлаш фактлари оз эмас. Асбоб-ускуналарни ишлатиш смена коэффициенти пастлигича қолаяпти

МИНСК, СЕНИНГ ЖАСОРАТИНГ СЎНМАЙДИ!

(Боши биринчи ва иккинчи бетларда).

Ўтган урушнинг ветеранлари: собиқ партизанлар ва подпольечилар, душман билан қаттиқ жангда суюкли Ватанининг шон-шарафи ва мустақиллигини ҳимоя қилган кишиларнинг ҳаммаси, деди у, гитлерчи босқинчилар устидан қозонилган ғалабага минскликлар бутун белорус халқи қўшган хиссага шу қадар юксак баҳо берилганлиги учун партиямизнинг ленинчи Марказий Комитетидан, Совет ҳукуматидан, азиз Леонид Ильич, шахсан Сиздан чуқур миннатдордирлар.

Ҳалоқ бўлган қаҳрамонларнинг порлоқ хотираси халқ қалбида мангу қолажак. Бу хотира республикамиз, бутун мамлакат шаҳарлари ва қишлоқлари меҳнаткашларининг коммунизм йўлидаги ишларида ва зафарларида яшамоқда ва бундан кейин ҳам яшайверади. Ҳаробалар ва қултепалар ўрнида қайта тикланган кенг ва салобатли, қаҳрамонлик олтин юлдузи порлаб турган Минскнинг ўзи ҳам келажак авлодлар бахт-саодати учун кишиларга қўйилган муносиб ёдгорликдир!

М. Б. Осипова уруш ветеранлари, собиқ партизанлар ва подпольечилар номидан, қўлига қурол олиб, буюк ғалабанг тоблаган кишилар номидан гапириб, ветеранлар бутун ҳаёт тажрибалари ва билимларини ёш авлодни тарбиялаш, мамлакатимизда коммунизм қуришдек олижаноб ишга сарфлайдилар, деб КПСС ленинчи Марказий Комитетини, Леонид Ильич Брежневни ишонтирди.

Халқимизнинг қаҳрамонона ўтмиши билан ҳар бир жулоқот жудолик аламларини эслатиш билан бирга тинчлик истакларини ҳам мустаҳкамлайди. Биз бугун қаҳрамонлик юлдузини уруш йилларида минскликлар мардона жасоратига берилган юксак баҳо партиянинг советлар мамлакати қудратини тинч меҳнатнинг аъло натижалари билан мустаҳкамлашдан иборат жанговар накази деб қабул қиламиз, деди **Минск трактор заводининг деталчи слесари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Е. И. Климченко.**

Азиз Леонид Ильич, сиз унутилмас дамларда Сизга мурожаат этиб, шуни айтмоқчиманки, барча меҳнаткашлар каби Минск ишчиларига ҳам давлатимизнинг ички ва ташқи сиёсати яқин ва тушунарлидир. Коммунистик партиямиз, Совет ҳукуматимиз, меҳнат аҳли, унинг моддий ва маънавий фаровонлиги тўғрисида ғамхўрлик қилишни энг муҳим вазифа деб билаётганликларини ишчилар, колхозчилар ҳизматчилар, барча совет кишилари доимо сезиб турибдилар. Биз давлатимизнинг гоятда инсонпарвар сиёсатини, Сизнинг бевосита раҳбарлигингизда ишлаб чиқилган далил ва реалистик Тинчлик программасини бутунлай, қизғин маъқуллаймиз ва қўллаб-қувватлаймиз. Мана шу программани амалга ошириш учун кескинликни юмшатиш мухолифларига қарши, америкалик хитойлик ва бошқа қуролланиш тарафдорларига қарши изчиллик, матонат билан қатъий кураш олиб борасиз.

Яна шуни ҳам айтиб ўтишни истардимки, биз Сизнинг коммунистик бунёдкорлик соҳасидаги баҳодирона меҳнатингизни зўр фарзандлик миннатдорчилиги билан жуда қойил қолиб кузатиб борямиз. Ишчи тили билан айтсам, Сизнинг тинчлик ишига, порлоқ коммунистик келажакни қуриш ишига шахсан қўшаётган ҳиссангизга энг юксак разряд билан, олий сифат эталожи билан баҳо берямиз. Азиз Леонид Ильич, шуларнинг ҳаммаси учун биздан ишчиларнинг самимий раҳматларини қабул қилгайсиз!

Белоруссия Давлат университетининг студенти Зинаида Мельник ёшлар номидан гапириб айтдики, коммунизм ёш бунёдкорларининг қалблари ва ишларида оталарининг васиятларига садоқат сақланиб қолгусидир. Ана Ватан озодлиги ва мустақиллиги учун қурашда ҳаётини қурбон қилганларни ҳеч қачон унутмаймиз.

Ҳар бир авлоднинг ўзида буюк зафарлар майдони ўз замонасининг бепоён руҳи бор. Лекин совет характери деган асосий ўчмас сифатлар ҳам борки, улар эҳтиётлаб сақланиб, революционер курашчилар шонли авлоддан авлодига ўтиб боради. Марксча-ленинча ғояларнинг ҳаққонийлиги ва тантанасига чексиз ишонч партия ва Ватанга чексиз садоқат мана шу сифатлар каторига киради. Партия билан халқнинг содиқ фарзанди, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Леонид Ильич Брежневнинг ҳаёт йўли замонамиз ёш авлоди учун, ишчилар синфи ишига, коммунизм идеалларига садоқат рамзи бўлиб қолди. Ўрток Леонид Ильич Брежнев большевикча эҳтироси, битмас-туганмас куч-гайрати, ташкилотчилик Ленин типидаги раҳбарлик таланти, қалб-саховати ва самимияти туфайли жуда катта обрў орттирди ва ёшларнинг бутун Совет халқининг, чет эллардаги миллионларча кишиларнинг самимий ҳурмат эҳтиромига, қизғин муҳаббатига сазовор бўлди.

Биз ажойиб замонда яшаяпмиз. СССРнинг янги Конституцияси йигит-қизларга станоклар ёнидаги кундалик сабот-матонатли ишлардан тортиб кўламлари жиҳатидан мисли кўрилмаган зафарбор комсомол қурилишларигача, жаҳоншумул космос тадқиқотларигача улуғвор бунёдкорлик уфқларини очиб берди. Бизга ижодий меҳнат қилиш, кобилият ва истеъдодларимизни янги кўламда намойиш қилиш учун илм-фан ва маданият чўққиларини эгаллашимиз учун ҳамма шароитлар яратиб берилган. Биз тантанали йигилиш қатнашчиларини, азиз Леонид Ильич шахсан Сизни ишонтириб айтамизки, қаҳрамон шаҳар Минск комсомоли КПСС XXV съезди қарорларини бажариш учун бўлган бўён ҳам мумкин бўлган ҳамма ишларни қилишга тайёрдир.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари П. М. Машеровга сўз берилади.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси хозирги замоннинг атоқли сиёсий ҳамда давлат арбоби Леонид Ильич Брежнев букилмас иродали кишди. Улуғ Ватан урушининг довюрак командирлари ва сиёсий кадрларининг шавкатли жанглари, ғалабага бўлган букилмас иродалари тўғрисида жонибали ва ёркин ҳикоя қилиб берди. Бу китоб Леонид Ильичнинг урушдан кейинги тинчланиш даврига бағишланган хотиротлари тинчинчи китоби сингари совет халқининг ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётида катта воқеа бўлди.

Азиз Леонид Ильич, Сизнинг ёркин жозибали, қалб ҳарорати билан кишини мафтун этувчи нутқингиз диалларимизни бугунги кун ва келгуси кунлар учун улуғвор миннатдорчилик ҳамда чуқур ишонч жасоратлари мамлакатимизнинг қаҳрамонона солномасига сўнмас солдатлик шон-шуҳратининг рамзлари, энг юксак ҳарбий санъат намуналари бўлиб кирди.

Социалистик маданият фидокор ҳимоячиларининг мана шу ягона сафида бўйсунмаган белорус ҳам матонатли жанг қилганлиги билан фахрланамиз, деди П. М. Машеров.

Ягона, аҳил совет оиласида яшаш, меҳнат қилиш ва ижод этиш, эртанги кунга тўғри ва ишонч билан қарашдек янгитдан қўлга киритилган бахт-саодатларимиз учун кишиларимизнинг қалбларида Белоруссиянинг халоскорлари бўлмиш шаҳаттли Совет Армиясининг жангчиларига, социалистик Ватанинг ҳамма халкларига ва даставвал улуғ рус халқига бекиёс миннатдорчилик отамиз ҳис-туйғулари ҳеч қачон ўчмаяжак.

Ҳамма нарса қиёслаганда англашиладики, деб давом қилди нотиқ. Винобарни шижоатли парвозимизнинг халк қисмати, инсон қисматидан кўра яқол ва очиқ—ойдин далиллари йўқ. Леонид Ильич, ёш мутахассис сифатида Белоруссияда. Орша уездида ишлашингизга тўғри келганига ярим асрдан ошса кўпрок вақт ўтди. Ўшанда кишиларимиз нималарга эга бўлиб, қандай яшаганликларини ёш кўзингиз билан кўргансиз. Ўшанда қишлоқни социалистик заминда қайта қуриш сари энди қадам ташлаб бораётган Белоруссия деҳқонлари турмушини белгилаб берувчи нарсалар — мухтожлик ва нон тақчиллиги, сўқа ва бўлтак срдар, керосин лампаларн ва саводсизлиқни тугатиш тўгаракларидан иборат эди, холос. Леонид Ильич Ўшанда Сиз биз билан, оддий ва самимий кишилар билан, илк коммунарларимиз билан бирга бўлиб, уларнинг ташвиш ва ўйларини баҳам кўрдингиз, янги турмуш заминларини яратишда уларга кўмаклашдингиз.

Бугун Сиз, партиямизнинг ҳамма эътироф этувчи атоқли раҳбари, қудратли Совет давлатининг бошлиги — яна Белоруссия диёрида белорус халқининг орасида турибсиз. Фараз қилиб шу залнинг деворларини суриб ўлкамизнинг ўзгарган ерларига бир нигоҳ ташламоқчи бўлсак, ижодий кучлари қудрат билан равнак топган ҳолда ўзининг 60 йиллиги сари бораётган республикадаги социалистик янгиликларнинг кишини ҳайратлантирувчи катта манзараси бугун улуғворлиги билан намоён бўлади. Янги дунё меъморлари — партия ва совет халқи, уларнинг ироласи ва фидокорона меҳнатлари билан бизда кучли иқтисодий ва илмий техникавий потенциал вужудга келтирилди, неча йиллаб янги шаҳарлар ва энг замонавий индустриал комплекслар қурилди, бир вақтлар унумсиз ерлар ва Полесье ботоқликлари серунум далаларга айлантирилди коммунистик идеаллар маънавий бойлиги, гўзаллиги ва оламшумлигини ифода этувчи улгор маданият юксак даражада ривожлантирилди.

Ҳурматли Леонид Ильич, белорус халқи, унинг меҳнатдаги ғайрати ва маънавий-ахлоқий киёфаси тўғрисида, беш йиллик вазифаларини амалга ошириш жабҳаларида орттирган ғамтарин тажрибаларимиз ҳақида айтган самимий ҳаяжонли сўзларингиз учун ҳаммамиз сидқидилдан самимий миннатдорчилик ҳис-туйғуларига тўлиб-тошиб турибмиз. Буларнинг ҳаммаси бизни руҳлантиради ва зиммамизга кўп вазифалар юклайди.

Сўзлаган нутқингизда ва бугун Белоруссия Компартияси Марказий Комитетида бўлиб ўтган суҳбатда қўйган ниҳоятда муҳим масалаларингиз амалий фаолиятимиздаги камчиликлар ҳусусида айтган эътирозларингиз республиканинг социал-иқтисодий тараққиёти соҳасида олдимизда турган актуал проблемаларни ривожлантиришга ва чуқур идрок этишимизга имкон берувчи конкрет кўрсатмаларингиз ва таассуротларингизни бошдан оёқ тушуниб, зўр масъулият ҳис-туйғулари билан қабул қиламиз.

Леонид Ильич Сизни ишонтириб айтамизки, республиканинг партия ташкилотлари сафарбар этувчи кўрсатмаларингиз ва яхши маслаҳатларингизни жанговар дастурулламал сифатида қабул қилиб, уларни амалга оширишни ҳамманинг ва ҳар бир кишининг ташаббуси билан бажариладиган зобитқадам ишга айлантирадилар.

Леонид Ильич, Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган пленуми (бундан Сизни хабардор қилган эдик), деди сўнгра П. М. Машеров, беш йиллик топшириқлари қандай бажарилаётганлигини анализ қилишга. Сибирь ва Узоқ Шарқ районларига қилган сафарингиз чогида, комсомолнинг XVIII съездида сўзлаган нутқларингизда берган кўрсатма ва тавсияларингиз руҳида гоятда қатъий ва талабчанлик билан, объектив равишда ва сўзсиз танқид руҳида ёндашди. Пленум қабул қилган ва модий-техника резервлари ҳамда имкониятларидан, кишиларимизнинг билими ва тажрибаси, ҳамма маънавий ресурсларидан мумкин қадар яхши фойдаланишни кўзда тутувчи мутлақо конкрет чоралар жамоат ишлаб чиқаришининг янада юксак самарадорлигига эришиш каби муҳим проблемани биз қандай бўлмасин ҳал этишимизга имкон беради.

Нотиқ республика қишлоқ хўжалиги соҳасида бундан буён ҳам шу соҳани интенсивлашни чуқурлаштириш йўлидан боради, деб таъкидлади.

Азиз Леонид Ильич! Энди-ликда интизом билан бериб қилишни ўзингга кифоя қилмайди; виждон билан, маҳорат билан, натика билан ишламоқ, шундай ишламоқ керакки, қилган меҳнатингиз натижалари учун бошқалар ҳам сизни ҳурмат қилсин, ўзингга ҳам ўзингизни ҳурмат қилинг, деган сермазмун сўзларингиз ишларимизнинг қалбидан чуқур ўрин олди. Республиканинг партия ташкилотлари маслаҳатингизга амал қилиб шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашларига ижтимоий бурчга юксак онгли муносабатда бўлиш, ўз меҳнатининг натижалари учун партия олдида, халқ олдида гоят юксак масъулият ҳис-туйғуларини актив равишда шакллантиришда, хўжалик бошқарув фаолияти ва тарбиявий фаолиятнинг бевосита ҳамма участкаларида ижодий ташаббусларни ишга новаторлик билан ёндашувни мунтазам норма сифатида ҳамма чоралар билан ривожлантириш ва қарор топтиришга интилмоқдалар.

Азиз Леонид Ильич, бутун мамлакат меҳнаткашлари каби Совет Белоруссиясининг меҳнаткашлари ҳам Ватанни равнақ топтириш йўлидаги улкан ишларингиз учун, планетамизда тинчликни мустаҳкамлашдек олижаноб ишга қўшган катта ҳиссангиз учун Сиздан гоят миннатдордирлар. Улар Совет давлатининг ташқи сиёсат соҳасида эришган ажойиб ғалабаларини, Совет Иттифоқининг халқаро кўламда обрў-эътибори ва таъсири муттасил ўсиб бораётганлигини Сизнинг номингиз билан, Сизнинг фаолиятингиз билан қонуний равишда боғлаяптилар.

Совет Белоруссияси, деб давом қилди нотиқ. Ленин байроғи остида партия раҳбарлигида, совет халқларининг ягона сафида янги шаҳият яратиш йўлидан дадил олга бормоқда. Барча совет кишиларининг биргаликдаги меҳнат натижалари эришган ғалабаларимиз ва муваффақиятларимизда жамланган, КПСС ленинча миллий сиёсатининг ҳаётбахш самараларидир. Республика меҳнаткашлари буюк социал ва интернационал жамоа—совет халқига—қаҳрамон халққа, инқилобчи халққа мансубликлари билан ғоятда фахрланадилар.

Пировардида П. М. Машеров КПСС ленинчи Марказий Комитетини, унинг Сиёсий бюросини, СССР Олий Совети Президиумини, шахсан Леонид Ильич Брежневни ишонтириб айтдики, Белоруссиянинг ишчилар синфи, колхозчи-деҳқонлари, зиёлилари Улуғ Ленин байроғини бундан буён ҳам баланд кўтариб, Ленинчигит буюк васиятларини муқаддас сақлаб ва бажариб, социалистик Ватанимиз қудрати ва шуҳратини янада, зўр матонат билан кўпайтириб, коммунизм идеаллари тўла тантана қилиши учун курашаверадилар.

Ўрток П. М. Машеров йигилиш бошқа қатнашчиларининг нутқлари зўр эътибор билан тингланди. қарсаклар билан бир неча бор бўлиниб турди.

Тантанали йигилиш қатнашчилари КПСС Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиумига, Ўрток Леонид Ильич Брежневга баланд руҳ билан табрикнома қабул қилдилар.

* * *

Сўнгра санъат усталарининг байрам концерти бўлди. Концерт зўр муваффақият билан ўтди.

• *Шаҳар индустрияси рапорти*

ЯРИМ ЙИЛЛИК ПЛАН ТАЙЁР

Шаҳар саноат корхоналарининг коллективлари

БУГУН

маҳсулотни реализация қилиш ва буюмларнинг энг муҳим турларини ишлаб чиқариш бўйича ярим йиллик план муддатидан илгари бажарилганлиги ҳақида рапорт бердилар. Ярим йиллик топшириққа қўшимча жуда кўп машиналар, приборлар, тикувчилик, трикотаж буюмлари, ип-газламалар ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилди.

Шаҳарнинг 39 саноат корхоналари 169 цех, 1000 участка коллективлари, бригадалари, 76 мингдан зиёд ишчиси, 7 октябргача — СССР Конституциясининг бир йиллигигача беш йилликнинг уч йили топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақада иштирок этмоқда. Бугунгача 550 дан зиёд ишлаб чиқариш иллгорлари ва новаторлари беш йиллик программаларини, 20 мингдан зиёд киши уч ва тўрт йиллик планни бажардилар.

Ленин, Октябрь, Собир Раҳимов, Ҳамза ва Чилонзор районларининг меҳнаткашлари биринчи ярим йилликда ишлаб чиқаришда яхши натижаларга эришдилар. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг, «Ташсельмаш» «Ташкентқабель», «Таштекстильмаш», «Миконд» заводларининг, «Қизил тонг» ҳамда Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик бирлашмаларининг, 4-дон маҳсулотлари, булка-кондитер комбинатларининг ва бошқа корхоналарнинг коллективлари юксак социалистик мажбуриятларини муваффақиятли адо этдилар.

Шаҳар саноат корхоналарининг ярим йиллик план муддатидан илгари бажарилганлиги ҳақидаги рапортлари ишчи коллективларида юксак меҳнат кўтаринкилиги мавжудлигидан, саноат ишлаб чиқаришининг ўсиш суръатлари план топшириқларидан ўзиб кетаётганлигидан далолат беради. Ички резервлардан яхшироқ фойдаланиш меҳнат унумдорлигини оғишмай юксалтириш ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифатини яхшилаш имконини бермоқда. Бугунги кунда пойтахт индустрияси меҳнаткашларининг бутун куч-ғайрати қоноқ цех, участка ва бригадапарсиз ишлашга қаратилган.

Активистлар сафига

ШАҲАР ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ АКТИВИСТЛАРИ САФИГА МАРКСИЗМ-ЛЕНИНИЗМ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ 1600 БИТИРУВЧИСИ ҚЎШИЛДИ

Бу шаҳар марксизм-ленинизм университетя ўқитувчилари ва тингловчиларининг кўп йиллик анъанасига айланиб қолди: ўқув йили ниҳоясига етган чогда умумий йиғилиш ўтказилиб, унда олий сиёсий маълумот тўғрисидаги дипломлар тингловчиларга топширилади.

Бу билим юрти ташкил топгандан буён коммунистлар ва партиясизлар, раҳбар ва идеология ғоявий-назарий савиясини оширишда юқори малакали пропагандистлар, лекторлар, сиёсий ахборотчилар тайёрлашда катта роль ўйнамоқда. КПСС Марказий Комитетининг «Тошкент шаҳар партия ташкилотида раҳбар кадрларнинг маркса-ленинча ўқиши ва ижтисодий таълими тўғрисида»ги қарори босилиб чиққандан сўнг ўтган олти йил ичидагина марксизм-ленинизм университетини 9.5 мингдан зиёд киши битириб чиқди. Уларнинг ярмидан кўпи раҳбар ходимлар. 5 мингдан зиёди пропагандистдардир. Бу беш йилликда университетни ўн мингдан зиёд тингловчи битириб чиқади.

...Мана, университет битирувчиларининг навбатдаги тантанали йиғилиши. Мақолар залида икки йил мобайнида оқимларни университетга келган, турли фанлар бўйича зачёт ва имтиҳонлар топширган тингловчилар ҳам шунингдек, ўз куч-ғайратини аямай, билим ва тажрибасини бажонидил ўргатган ўқитувчилар ҳам бор.

Тўпланганлар ҳузурида Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари А. А. Ҳўжаев сўзга чиқди. Коммунистлар ва партиясиз активларни ғоявий-сиёсий чиниқтиришда марксизм-ленинизм университети ролининг тобора ошиб бораётганини таъкидлаб, у шаҳар партия ташкилоти олдида бу ўқув юртини ўзида мужассам этган катта ва мураккаб вазифалар тўғрисида гапирди. Университетни битирувчилар бу вазифаларни муваффақиятли бажаришга ўзларининг ақлий ва ирода кучларини аямасликларига ишонч билдирди.

Университет битирувчиларидан республикада хизмат кўрсатган врач, вакилла ва гардоб институтининг директори, СССР медицина фанлари академиясининг мухбир аъзоси А. А. Обидов, «Ташжилстрой» трести партия комитети секретари В. В. Личков, Ҳамза район халқ суди раиси М. Х. Набиева ўқув йили ҳақида ҳаяжон ва самимият билан гапирдилар. Уларнинг сўзларида чуқур миннатдорчилик мамнуният хислари тўлиб тошган эди. Улар университетнинг барча тингловчилари номидан ана шу сўзларни изҳор этдилар.

КПСС тарихи кафедрасининг мудири, тарих фанлари кандидати Н. М. Муҳаммедов тўпланганларни ўқув ниҳоясига етгани билан табриклади. Марксизм-ленинизм университетининг ўқув бўлимининг мудири П. Г. Курбатова кўпгина битирувчиларнинг аъло ўқигани ва юксак ижтимоий аҳамиятга эга бўлган тадқиқотларни бажариш учун ўқув йили давомида ўзларини фидокорона меҳнат қилганликларини алоҳида таъкидлади.

Шундан сўнг тантанали суратда дипломлар топширилди. Бу йил биринчи марта битирувчилар тантанали йиғилишлари тўртта поток бўйича ўтказилди. Улар ҳузурида Тошкент шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари К. П. Дудин, шаҳар партия комитетининг секретарлари М. Ф. Солдатов Б. Г. Халилов сўзга чиқишди. Улар тўпланганларни ўқув ниҳоясига етгани билан саммий табрикладилар, уларга олий сиёсий маълумот олганликлари тўғрисида гувоҳлик берувчи қизил лаффтчаларни топширдилар. Якундовчи йиғилишда битирувчиларга Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари А. А. Ҳўжаев дипломлар топширди.

...Бу йил шаҳар марксизм-ленинизм университетини 1600 киши битириб чиқди. Уларнинг салкам ярмига имтиёзли дипломлар топширилди. Улар шаҳар партия ташкилоти активистлари, пойтахт идеология фронти жангчиларини сафларини тўлдириб, унинг беш йиллигида Тошкент механизаторлари олдида турган масъулиятли вазифаларни бажаришга уларни партия ва халқимиз режаларини ҳаётга муваффақиятли амалга оширишга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшадилар.

ЖАҲОН ЭЧНАСИ

Испаниялик инженер Хуан Фонт автомобиллар учун (суратда) катамаран (икуфталшган кема) кашф этди. Кемага ўрнатилган осма мотор ва бошқарув рули автомобилнинг бошқарув системаси билан боғланган.

СУРАТДА: катамаран синов пайтида.

ЕФА—ТАСС фотоси.



ЮГОСЛАВИЯ КОММУНИСТЛАР СОЮЗИНИНГ XI СЪЕЗДИ ЎЗ ИШИНИ ТАМОМЛАДИ

БЕЛГРАД. (ТАСС махсус мухбирлари). Югославия Коммунистлар союзининг XI съезди 23 июнда ўз ишини тамомлади. Қарийб 1 миллион 700 минг коммунистнинг вакиллари тўрт кун мобайнида раҳбар органларнинг ҳисоботларини ва Югославия Коммунистлар союзи Ранси И. Броз Титонинг навбатдаги вазифалар тўғрисидаги докладини мухокама килдилар.

Съезднинг ишида коммунистик ишчи партиялар, социалистик ва социал-демократик партиялар прогрессив ва милий озодлик ҳаракатлари делегацияларн қатнашди. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари Ф. Д. Кулаков КПСС делегациясига бошчилик қилди.

Делегатлар якуловчи мажлисда иккита резолюция — «Югославия Коммунистлар союзи ленчлик учун, тенг ҳуқукли халқаро ҳамкорлик ва бутун жаҳонда социализм учун курашда» ҳамда «Социалистик ўз-ўзини бошқаришни ривожлантириш учун, мамлакатнинг моддий ва ижтимоий тараққиёти учун курашда Югославия Коммунистлар союзининг роли ва вазифалари ҳақида»ги резолюцияларни қабул қилдилар.

Съезд ички сиёсат соҳасида Югославиянинг бундан буёнги социалистик тараққиёти, мамлакат ишчилар синфи ва барча меҳнаткашларнинг авангарди — Коммунистлар союзининг етакчилик ролини ошириш йўли, ни таъкидлаб ўтди. 165 кишидан иборат Марказий Комитет, ревизия комиссияси ва Югославия Коммунистлар союзининг устави масалалари билан шуғулланувчи комиссия сайланди.

Делегатлар авваллги съезднинг И. Броз Титони Югославия Коммунистлар союзининг чекланмаган муддатга раислигига сайлаш тўғрисидаги қарорини тасдиқладилар. Шу билан бирга съезд унинг социалистик Югославия қурилишидаги, ЮСФРнинг ташқи сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишдаги буюк ролига юксак баҳо берди.

И. Броз Тито якунловчи нутқ сўзлади. Съезд, деди у, жамиятни ривожлантириш учун жуда катта аҳамиятга эга бўлади. Бу анжуманда мамлакатни ва Югославия Коммунистлар союзини янада ривожлантиришга доир асосий масалалар юзасидан қарашларнинг бир хил экани, ниги яна уқтириб ўтилди.

Югославия Коммунистлар союзининг раиси яна қуйидагиларни айтди: хусусан X съезд томонидан қўйилган вазифаларнинг баъзилари бажарилмай қолганлигини эътиборга олганда коммунистлар олдида, мамлакатнинг барча меҳнаткашлари олдида аввало экономика соҳасида катта вазифалар турибди.

И. Броз Тито хусусан икки съезд ўртасидаги даврда Коммунистлар союзига ёшлардан 700 мингга яқин киши қабул қилинганлиги муносабати билан партия аъзоларининг марксча таълими ва уларнинг ғоявий-сиёсий тайёргарлиги муҳим эканлигини таъкидлади.

Югославия Коммунистлар союзи Марказий Комитетининг биринчи пленумида 24 кишидан иборат Марказий Комитет Президиуми сайланди. Марказий Комитет Президиуми И. Броз Тито, Э. Кардель, С. Долани, В. Бакарич, В. Джуранович, П. Стамболич ва партиянинг бошқа атоқли арбобларидан иборат бўлди. С. Долани Югославия Коммунистлар союзи Президиумининг Секретари қилиб сайланди.

ҚАТЪИЙ ОГОҲЛАНТИРИШ

КОБУЛ. (ТАСС). Афғонистон Демократик Республикаси Революцион Кенгашининг Раиси ва Бош министри Нурмухаммад Тараки 23 июнда мамлакат турли кабиналари намояндаларининг хузурида нутқ сўзлади. У апрель революциясига раҳбарлик қилган Афғонистон халқ демократик партисини бутун халқ қўллаб-қувватлаётганлигини айтди.

Бош министр мамлакат ичкарисида, шунингдек ундан ташқарида Афғонистонга қарши бўлаётган пропагандистик ва кўпорувчилик ишларини қоралади. Нелом ижкобн остида халкнинг манфаатларига қарши чиқаётган кишилар, деди у, бизнинг халқ ҳукуматимиз душманлари Афғонистонга, қайси жиҳатдан таҳлил қилмасинлар, улар тутатилажагини билиб олишлари керак.

Н. Тараки Афғонистонда ги воқеалардан баъзи кўшни мамлакатлар «ўз «ташвишга» тушиб қолганликларига тўхталиб, бу мамлакатлар ўз проблемалари билан кўпрок шуғулланиб, бошқаларнинг ишларига аралашмасалар яхширок бўлар эди, деб айтди.

Бош министр ўз нутқида Афғонистонни ривожлантириш беш йиллик планига ҳам тўхталиб ўтди. Бу план ишлаб чиқилмоқда ва якин орада амалга оширила бошлайди. Планнинг бажарилиши ва ер ислоҳоти тўғрисидаги қонунларнинг амалга ошириш деди у камситишлардан халос этиладиган, пок бошимиз ва кийим-кечакка эга бўладиган 25 миллион афғон учун зўр фаровонлик бўлади.

Ф. МАРКОСНИНГ АНТГАНЛАРИ

Филиппин президенти Ф. Маркос ҳукуматнинг социалистик давлатлар билан муносабатларни ривожлантириш ниятида эканлигини таъкидлади. Президент ташки ишлар министрлиги ходимлари ва Манилядаги дипломатия корпуси аъзоларини қизғурида гапириб, жумладан, социалистик мамлакатлар билан алоқаларнинг ўзаро манфаатли ва самарали эканлигини замон тасдиқлади, деди.

(ТАСС).

Шундай одамлар бор бўлсин

ЭЛДА АЗИЗ

Эмин ака набирасини кўтариб айвонга чиқди-ю, секингина ерга ўтириб қолди. Яхшиям ёнида ўғиллари, келинлари бор экан. Отани ичкари уйдаги диванга ётқизиб қўйишди-да, доктор чақиришди.

— Ҳозирча қимирлатманглар, мана бу дориларни ичиб турсинлар, — деди профессор Шомурод Шомансуров. — Бу кишига осойишталик керак. Тузалиб кетадилар, — деди-ю хайрлашиб чиқиб кетди. Эртасига яна келди, индинига яна ташриф буюрди. Ота шифокор ғамхўрлигида оёққа турди.

Медицина фанлари доктори, профессор Шомурод Шорасуловнч Шомансуров минглаб беморларга даво топиб уларни ҳаётга қайтарганлардан. 1945 йили Охунбобоев номли медицина билим юртини имтиёзли диплом билан битирган бўлажак шифокор шу йили Тошкент Давлат медицина институтининг педиатрия бўлимига ўқишга кириб, уни муваффақиятли тугатди ва 1951 йили Қорақалпоғистон АССРнинг Кегайли районига ишга юборилди. Ўқиш, билмаганларини ҳамкасбларидан тортинмай ўрганиш, келгусида йирик олим, таниқли шифокор бўлиб етишишда катта роль ўйнади. Шомурод Шомансуров ҳам жуда кўплаб беморларни эринмасдан, сидқидилдан суҳбатда бўлиб, бой тажриба тўплади. 1953 йилга келиб Нукус шаҳридаги республика касалхонасида бош врач бўлиб ишлай бошлади. Шундан кейин Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг асаб клиникасида ишлади. 1961 йили «Шамоллаш ва ўсма касаллигида орқа миядаги вегетатив ўзгаришлар» деган темада кандидатлик диссертациясини, 1972 йилда Тошкентда москвалик олим — медицина фанлари доктори, профессор П. Б. Цукер бошчилигида «Болалардаги ревматизм касаллигида кўзга кўринмаган симптомлар» деган темада докторлик диссертациясини ёқлади.

Ординаторликдан профессорлик даражасигача бўлган шарафли йўлни босиб ўтган ва ўзининг эл-лигичи баҳорини нишонлаётган Шомурод Шорасуловнч Шомансуров Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигида бош штатсиз болалар асаб касаллиги бўйича бош невропатолог бўлиб ишламоқда. Инсон саломатлиги йўлида ғамхўрлик қилиб келаётган ана шундай шифокорлар ҳамиша бор бўлсин.

Р. ФАЙЗУЛЛАЕВ.



СУРАТДА: медицина фанлари доктори, профессор Шомурод Шомансуров ассистент Гулнора Тургунова, ординатор Тамара Курбонова ва медицина фанлари кандидати Қадрия Давлатбекованинг беморнинг касаллик варақаси билан танишмоқдалар.

«ПАХТАКОР»НИНГ РАҚИБЛАРИ

«СПАРТАК» (МОСКВА)

Бугун «Пахтакор» стадионида «Пахтакор» Москванинг «Спартак» командасини қабул қилади.

«Спартак» мамлакатимиздаги энг кекса коллективлардан бири ҳисобланади. У 1922 йилда ташкил қилинган бўлиб, 1936 йилдан буён олий лигада иштирок этиб келмоқда. Ўтган йили команда биринчи лигада ўйнаб яна олий лигада қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Мамлакатимиздаги энг машҳур ва оммавий командалардан бири бўлган «Спартак» тўққиз марта СССР чемпиони унвонини қўлга киритган. У олти марта кумуш, етти марта бронза медали билан тақдирланган.

Команда олий лигада муваффақиятсиз қатнашган йиллар ҳам бўлган. Жумладан, 1976 йилнинг кузида спортчилар турнир жадвалининг 15-погонасидан ўрин олиб олий лига билан хайрлашишга мажбур бўлишган.

Спартакчилар мамлакат биринчилигида 1011 учрашув ўтказганлар. Бу учрашувларнинг 490 тасида ғолиб чиқиб, 258 тасини бой беришган. 263 учрашувни дуранг натижа билан ниҳоялашган. Тўплар нисбати 1726:1078.

Спартакчиларнинг мамлакат биринчилигида йирик ғалабага эришган вақтлари ҳам бўлган. Жумладан, улар 1939 йилда Одессанинг «Динамо» командасини 8:0 ҳисобида енгишган. Мамлакат Кубоги учун 1957 йилда Тошкент офицерлар уйининг футболчилари билан бўлган учрашувда 8:2 ҳисобида ғалабага эришганлар.

Команда йирик мағлубиятга учраган вақтлар ҳам бўлган. 1945 йилда улар ўз ҳамшаҳарлари — торпедочиларга учрашувни 0:5 ҳисобида ютқазиб беришган. 1964 йилда эса москвалик динамочилар спартакчилар устидан худди ана шундай ҳисобда ғалабага эришганлар.

Командада мамлакатимиздаги энг машҳур командалардан бири ҳисобланади. 1958, 1959, 1969 йилларда унинг вакиллари Г. Федотов мукофотини қўлга киритишган. Команда тўрт марта СССР Футбол федерацияси, бир марта «Ҳужумкор мехмон» совринларини олишга муваффақ бўлган. Шунингдек, иккн марта «Ғалабага бўлган ишончи учун», уч марта «Йирик ҳисоб учун» мукофотлари ҳам шу командага топширилган. 1958 йилда команда ўйинчиси А. Ильин, 1962 йилда Ю. Севидов, 1969 йилда Н. Осянинлар «Труд» газетасининг совринларн билан тақдирланганлар. Е. Ловчев 1972 йилда СССРдаги энг яхши ўйинчи деб тан олинган.

Галимзян Хусаинов команда ҳимоясини энг кўп марта қўриқлаган ўйинчи ҳисобланади. У «Спартак» командаси кийимида 410 марта майдонга чиққан. Игорь Нетто эса 367 марта «Спартак» составида учрашув ўтказган.

Команда ўйинчиларидан И. Нетто — 55, Е. Ловчев — 52, Г. Хусаинов — 33, А. Ильин — 32, А. Месленкий — 32, Б. Татушин — 28, С. Сальников — 18 (5 марта Москванинг «Динамо» командаси номидан), Н. Симонян ва И. Огоньковлар — 23, Г. Логофет — 17, С. Ольшанский —16, А. Исаев — 15, М. Киселев — 14, А. Парамонов — 13, Н. Тишченко — 12 марта мамлакат терма командаси сафида учрашув ўтказишган. А. Кавазашвили, А. Крутиков, А. Корнеев, Ю. Седов, И. Мозер, В. Папаев, В. Петров, В. Дикарев, Н. Осянин, Н. Абрамов, А. Прохоров, Н. Паршин, В. Лисицин, С. Рожков, И. Варламов, В. Иванов, В. Понедельник, Ю. Фалилнар ҳам мамлакатимиз терма командаси шарафини ҳимоя қилишган.

Команданинг бош тренери СССРда хизмат кўрсатган спорт мастери, СССРда хизмат кўрсатган тренер Константин Иванович Бесков.

Команда бу йилги мавсумда яхши қатнашяпти деб бўлмайди. Ҳозир у турнир жадвалининг 15-погонасидан ўрин олиб турибди. Шунга қарамасдан «Пахтакор» стадионида бўладиган ўйинининг ниҳоятда қизиқарли ўтиши кутилмоқда. Чунки ҳамиша бу командада «Пахтакор» учун ноқулай рақиб ҳисобланиб келган. Буни командалар ўртасида бўлган учрашувлар натижасидан ҳам билиб олса бўлади. Ҳамшаҳарларимиз спартакчилар билан олий лигада 31 учрашув ўтказишган. Улардан ўн биттасида москвaликлар ғолиб чиқишган. Фақат тўрт учрашувни ҳамшаҳарларимиз ўз фойдаларига ҳал қилишга эришганлар. Тўплар нисбати — 24:25.

◆ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИДА

МУВАФФАҚИЯТЛИ ЎТМОҚДА

Шу кунларда Тошкент автомобиль йўллари институтида битирувчи курс студентларининг давлат имтиҳонлари қизғин бормоқда. Яқинда биз шу олий ўқув юртининг автомобилларга техника хизмати кўрсатиш факультетида бўлдик. Бу йил факультетни ҳаммаси бўлиб 200 га яқин киши битиради. Улардан 50 нафари сиртқи бўлим студентларидир.

Мана, дипломант Тўлқин Пўлдошев давлат комиссияси аъзолари ҳузурида. У ўзининг «Автомарклари автомобилларга техника хизмати кўрсатиш» деган темадаги диплом ишини ҳимоя қилмоқда. Дипломантнинг бу иши комиссия аъзолари томонидан бир овоздан яхши қабул қилинди. Диплом ҳимояси юзасидан савол-жавоблар бошланди. Давлат имтиҳон комиссиясининг раиси А. Азимов, комиссия аъзолари кафедра доцентлари Э. В. Пьядичев, А. Исмоилов, катта ўқитувчилар В. К. Боц, Х. Маҳмудовларнинг берган саволларига дипломант тўлақонли жавоб берди.

Навбатдаги диплом ишни тингланди. Шу факультетнинг сиртқи бўлими студенти Анатолий Алексеев ҳам комиссия аъзолари саволларига қониқарли жавоб қайтарди.

Шу куни 15 студент давлат имтиҳонидан муваффақиятли ўтди.

Имтиҳондан сўнг биз дипломант Т. Йўлдошев билан суҳбатлашдик.

— Ёшлигимдаёқ инженерлик касбини севар эдим, — дейди у. — Бунинг устига хизмат вазифам ҳам шу институтнинг автомобилларга техника хизмати кўрсатиш факультетига кириб ўқишимни тақозо этди. Билимни тажриба билан боғлаб олиб бориш менга давлат имтиҳонларидан муваффақиятли ўтишимда катта ёрдам берди.

Ҳар йили институт халқ хўжалигимиз учун кўплаб мутахассис-кадрлар тайёрлаб беряпти. Эндиликда бу олий ўқув юртини битириб ишлаётган кадрларни республикамизнинг турли бурчакларида учратиш мумкин.



СУРАТДА: давлат имтиҳон комиссиясининг раиси А. Азимов дипломант Т. Йўлдошевни диплом ишини муваффақиятли ҳимоя қилганлиги муносабати билан табриклямоқда.

И. Шонноғомов фотолари.

Редактор ўринбосари
С. Б. ЁҚУБОВ.

Телевизор экранида

26 ИЮНЬ — ДУШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

16.00 «Музикали абонемент». 18.30 Янгиликлар. 18.45 «Учинчи йил — зарбдор йил». «Ишни устаси маромига етказади». Кўрсатувни сиёсий шарҳловчи В. Бекетов олиб борали. 19.30 «Ўртоқ президент». Сальвадор Альенде туғилган кунининг 70 йиллигига. 20.00 Футбол бўйича жаҳон чемпионати. Финал. Аргентинадан олиб кўрсатилади. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Санъат усталари». СССР халқ артисти Ф. Г. Раневская. 23.45 Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Ивашканинг саргузаштлари». Болалар учун телефильм. 18.15 «Янгиликлар жарчиси». Ўзбекистон информацион агентлигининг 60 йиллигига. 18.45 Халқаро шарҳловчилар давраснда. «АҚШ сиёсатида тинчлик иши учун хавфли бўлган ўзгаришлар». 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Пахтакор» — «Спартак» (Москва). «Пахтакор» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — Кинофильм. 21.15 «Ахборот» информацион программаси. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Ғалла — ризқ-рўзимиз». 22.15 Ўзбекистонда Пушкинхонликка бағишланган таитанали кеча. Ҳамза номли Ўзбек Давлат академик драма театридан трансляция пайтида ёниб олинган. 23.45 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 «Момо ер». Бадиий фильм. 20.15 Тошкент янгиликлари. 20.35 «Қизиқувчилар акрани». 21.05 «Камер куйларидан» концерт». Телевизион фильм-концерт.

* РЕКЛАМА * РЕКЛАМА * РЕКЛАМА * РЕКЛАМА *

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 26/VI да Келинлар кўзголони, 27/VI да Кўрмайин босдим тиконни.

КИНО

26, 27, 28 ИЮНДА
ҚИШКИ БИНОДА
САНЪАТ САРОЙИ (кичик зал) — Шум бола (кечкурун).

Мимино — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (10, 12, 14, 16, 18, 20.00). ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ номли (12, 14, 16, 18, 20, 21.30), «ДРУЖБА» (11, 15, 17, 18, 20, 21.00), «КОЗОҒИСТОН» (11, 13, 15, 17, 19, 21.00), «ҲАМЗА номли (11, 13, 15, 17, 19, 20.30).

Ўйинчоқ — «ЧАПКА» (11.30, 13.30, 15, 16.30, 18, 20, 21.30), «МОСКВА» (12, 14, 16, 17.45, 18.30, 21.15), «НУКУС» (11, 13.15, 17, 19, 20.30).

Иван Васильевич касбини ўзгартиради — «ДРУЖБА» (12, 14, 16, 18, 20.00).

ЕЗГИ БИНОДА

Ўйинчоқ — «ФЕСТИВАЛЬ» (20.50, 22.30).

Ҳеч қандай муаммога ўрин йўқ — «ХИВА» (20.50, 22.30).

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳунар-техника таълими давлат комитети

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЯНГИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН

171-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1978— 1979 ўқув йилига
Қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Бўёқчилар, бўёқчи-альфрейщиклар, сувақчилар, қурувчи-дурадгорлар, электромонтажчилар, саноат ускуналарини тузатиш бўйича слесарлар, электр пайвандчилар, ғишт терувчи, монтажчилар, дурадгор-паркетчилар.

Ўқиш муддати— 1-2-3 йил.

Билим юртига 8— 10-синф ҳажмида маълумотли, 15 ва ундан катта ёшда бўлган йигит-қизлар қабул қилинади.

3 йиллик ўқишни тамомлаганларга ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат ва ҳунари бўйича аттестат берилади.

Ўқишга қабул қилинганлар уч маҳал иссиқ овқат, кийимкечак ҳамда ишлаб чиқариш практикаси давридаги иш ҳақи билан таъминланадилар.

Билим юртини аъло баҳолар билан тугатганлар ўрта ва олий ўқув юртларига имтиҳонсиз шартлар билан қабул қилинадилар.

Кириш ҳақидаги ариза директор номига ёзилиб, қуйидаги ҳужжатлар билан қўшиб топширилади: туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти ҳақидаги ҳужжат, соғлиги ҳақида справка, 6 дона фотосурат (3х3 см.), турар жойидан справка, мактабдан характеристика, автобиография.

Ҳужжатлар соат 9.00 дан бошлаб қабул қилинади.

Билим юртининг адреси: 700081, Тошкент шаҳар-81, Домбробод кўчаси 74-уй (54, 33, 50, 84, 70, 34, 103, 80-автобусларнинг «16 поликлиника», 16-троллейбуснинг «Домбробод» бекатлари). Телефон: 77-49-53.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳунар-техника таълими давлат комитети

ЗАРГАРЛИК ЗАВОДИ ҚОШИДАГИ

139-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1978—79 ўқув йили учун
ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Заргарлик (ўқиш муддати— 1,5—2 йил), **ички коммуникациялар бўйича слесарь-сантехниклар** (2 йил), **мебелчи** (2 йил), **чинни тайёрловчилар** (1—2 йил), **чинига гул солувчилар** (1, 5 йил), **станокларни ремонт қилувчи слесарлар** (2 йил), **соатсозлар** (1,5—2 йил).

Билим юртига 15 ва ундан катта ёшдаги 8—10-синфни тамомлаган ўғил ва қиз болалар қабул қилинади.

Ўқиш муддати ўзлуксиз меҳнат стажига киради.

ЎҚИШ ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Билим юртини битириб чиққанлар олий ўқув юртларига конкурсдан ташқари қабул қилинадилар.

Ўрта маълумот билан билим юртига ўқишга кирганларга ҳар ойда 30 сўм ҳажмида стипендия берилади, 8 синф ҳажмида ўқишга кирганлар эса давлат таъминотида бўлиб, кийим-бош ва кунига 3 маҳал овқат билан таъминланадилар.

Ишлаб чиқариш практикаси давридаги иш ҳақининг 33 процснти тўланади.

Билим юртини тугатганлар Тошкент шаҳрида ишлайдилар.

ЎҚИШ —1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак. билим юрти директори номига ёзилган ариза, паспорт ёки туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома, маълумоти ҳақидаги гувоҳнома, характеристика, турар жойидан справка, соғлиғи ҳақидаги справка (286-форма), 6 дона фотосурат (3х4 см.).

Билим юрти адреси: С. Раҳимов район, Сарбон кўчаси, 17-тупик, 4-уй (38, 40, 49, 59, 76-автобусларнинг «Қўштут» бекати).

ТОШКЕНТ САЁҲАТ ВА ЭКСКУРСИЯЛАР БЮРОСИ

Турист

ҚУЙИДАГИ ТЕПЛОХОД МАРШРУТЛАРИГА ПУТЁВКАЛАР СОТИШНИ ДАВОМ ЭТТИРМОҚДА

«А. МАТРОСОВ» теплоходи — Красноярск-Дудинка-Красноярск» (Енисей бўйлаб) — **7 июлдан 21 июлгача.** Баҳоси — 290 ва 300 сўм.

Саёҳат вақтида сизлар Красноярск, Енисейск, Туруханск, Игарка, Дудинка шаҳарларида бўласиз. Шимолий темир йўл билан Заполярье марказн — Норильскка борасиз.

Қутб доирасидан нариги ёққа қилинадиган сафар вақтида қувноқ карнавал байрамлари ўтказилади: хушманзара ерлардан теплоход маълум вақт тўхтаб ўтади.

«ТИХИЙ ДОН» теплоходи (Волга бўйлаб) — Ростов-Дон-Волгоград-Саратов-Куйбишев-Қозон-Горький-Плёс —Кострома-Москва-Ярославль-Ульяновск-Волгоград-Ростов-Дон — **4 сентябрдан 23 сентябргача, 24 сентябрдан 13 октябргача.**

Путёвка баҳоси — 1 категория «А» — 540 сўм.
I категория «Б» — 525 сўм.
II категория — 465 сўм.

«ДМИТРИЙ ПОЖАРСКИЙ» теплоходида (Волга бўйлаб) — Кострома-Москва-Астрахань-Майна-Кострома.

10 августдан 30 августгача. Баҳоси — 260 сўм.

19 октябрдан 9 ноябргача. Класс бўйича баҳоси — 235 сўмдан 335 сўмгача.

9 октябрдан 24 октябргача. Класс бўйича баҳоси — 216 сўмдан 260 сўмгача.

Самолёт ёки темирйўлдан Тошкентдан манзилгача бориш ва қайтиш, овқатланиш, яшаш, сафар вақтидаги шаҳарларда кўрсатилган экскурсия хизматининг қиймати путёвка баҳосига киради.

ТОШКЕНТ САЁҲАТ ВА ЭКСКУРСИЯЛАР БЮРОСИ ТЕПЛОХОД МАРШРУТЛАРИДАН ТАШҚАРИ САМОЛЕТ ВА ТЕМИР ЙЎЛ САФАРЛАРИГА ЧИҚИШ УЧУН КАТТА ИМКОНИЯТЛАРГА ЭГА. У ЙИЛ ОХИРИГАЧА ПУТЁВКАЛАР СОТАДИ.

СИЗЛАРНИ КУТАМИЗ, АЗИЗ ЎРТОҚЛАР!

Бизнинг адрес: 700078, Тошкент шаҳар, Намойишлар хиёбони, 5-уй. Телефонлар: 39-13-59, 39-13-18.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳунар-техника таълими Давлат комитетининг «ЎЗЭЛЕКТРОМОНТАЖ» ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТРЕСТИ БАЗАСИДАГИ 11-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1978—79 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ ҚУЙИДАГИ КАСБЛАР БЎЙИЧА ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ: ёритиш, ёритгич ва кучланиш тармоқлари ҳамда электр асбоб-ускуналари бўйича электромонтажчилар, тақсимот қурилмалари бўйича электромонтажчилар, радио-телевизион аппаратураларга хизмат кўрсатиш ва тузатиш бўйича радиомеханиклар, автоматика ва контроль ўлчов асбобларини тузатиш бўйича слесарлар, киномеханиклар.

ЎҚИШ МУДДАТИ — 1—2 ЙИЛ.

Билим юртига 8—10-синф ҳажмида маълумотга эга бўлган 15 ва ундан катта ёшдаги, йигит-қизлар қабул қилинади.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшилади.

МАШҒУЛОТЛАР —ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Билим юртига— 8-синф ҳажмида маълумот билан кирган ўқувчилар кунига 3 маҳал бепул овқат ва кийим-бош билан; урта маълумот билан кирганлар эса ҳар ойда 30 сўмдан стипендия билан таъминланадилар.

Ишлаб чиқариш практикасини ўташ даврида ўқувчилар иш ҳақининг 33 процентини оладилар. Билим юрти қошида кечки ўрта мактаб ишлайди.

Совет Армияси сафида ҳарбий хизматни ўтаб қайтган йигитлар ёритиш, ёритгич ва кучланиш тармоқлари ҳамда электр асбоб-ускуналари бўйича электромонтажчи ихтисоси бўйича ўқишга кирганларида ҳар ойда 76 сўмдан стипендия оладилар. Улар учун ўқиш муддати қисқартирилган (ўрта маълумотлилар 7 ярим ой, саккизинчи синф ҳажмида маълумотлилар 10 ярим ой ўқийдилар).

Билим юртини битирганлар техникум ва олий ўқув юртларига киришда имтиёзлардан фойдаланадилар.

Билим юртини аъло баҳолар билан тугатган ёшлар эса ўрта ва олий ўқув юртларига ўз билимини оширишга юборилядилар.

Билим юртида яхши спорт базаси, ҳар хил техника ижоди тўгараклари, фототўгарак ҳамда вокаль эстрада ансамбли бор.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: ариза, таржимаи ҳоли, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, паспорт, медицина справкаси, ҳарбий билет (ҳарбий рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома), турар жойидан справка, 3х4 см, ҳажмида 6 дона фотосурат.

Аризалар ҳар куни соат 9.00 дан 17.00 гача қабул қилинади.

МАШҒУЛОТЛАР— ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАНГАНДАН СЎНГ БОШЛАНАДИ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Фрунзе райони, «Ивановолик тўқимачилар» кўчаси, 8-уй (33, 34, 18, 45, 54, 58, 66, 70, 80-автобуслар, 7, 9, 11, 14, 21, 24, 28-трамвайлар, 2, 6, 13, 15, 16-троллейбусларнинг «Тўқимачилик комбинати» бекати).

В. И. ЛЕНИН НОМЛИ ТОШКЕНТ ЭЛЕКТРОН ЗАВОДИ ҚОШИДА

ЯНГИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН

196-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

йигит ва қизларни қуйидаги касблар бўйича

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ярим ўтказгич асбобларини йиғувчи (қизлар), **токарь-универсал** (йигит-қизлар), **фрезерчи** (йигитлар), **слесарь-асбобсоз** (йигитлар).

Ўқишга Тошкент шаҳрида яшовчи 8—10 синфни битирган йигит ва қизлар қабул қилинади.

ЎҚИШ МУДДАТИ. 8-синфни битирганлар учун 1—2 йил; 10-синфни битирганлар учун 1 йил.

8-синфни битирганлар 3 маҳал бепул иссиқ овқат ва устки кийим-бош билан таъминланадилар.

10-синфни битирганлар 30 сўм ҳажмида стипендия билан, аълочилар оширилган стипендия билан таъминланади.

Ҳамма ўқувчилар ишлаб чиқариш практикаси давридаги иш ҳақининг 33 процентини оладилар.

Билим юртини аъло баҳода битирганлар ўқишни давом эттириш учун Москва ва Ленинград институтларига, Тошкент политехника институти ва завод қошидаги электромеханика техникумига йўлланма оладилар.

Ўқиш даври меҳнат стажига киради.

Завод ишчиларининг ойлик иш ҳақи ўрта ҳисобда 140—160 сўмни ташкил этади.

Билим юртига кирувчилардан қуйидаги ҳужжатлар талаб қилинади: директор номига ариза, маълумоти ҳақидаги аттестат ёки гувоҳнома (асл нусхаси), таржимаи ҳоли, туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт, соғлиги ҳақида справка (286-форма), ота-онасининг иш жойидан справка, турар жойидан справка, 2 дона 4х4 см ва 2 дона 3х4 см. фотосурат.

ҚАБУЛ КОМИССИЯСИ ҲАР КУНИ СОАТ 9 ДАН 17.00 ГАЧА ИШЛАЙДИ.

ЎҚИШ 1978 ИЛ 1 СЕНТЯБРДА БОШЛАНАДИ.

Бизнинг адресимиз: Тошкент шаҳар, Пролетар кўчаси, 13-уй (2, 25, 60-автобуслар; 1, 10, 11, 13, 16-троллейбуслар; 1, 2, 3, 4, 5, 18, 22, 25-трамвайларнинг «Дизельная» бекати).

«ПАРКЕНТВОДСТРОЙ»

трестининг

1-ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КЎЧМА МЕХАНИЗАЦИЯ КОЛОННАСИГА

экскаваторчилар, скреперчилар, бульдозерчилар, автокранчилар, автогрейдерчилар, ғишт терувчилар, дурадгорлар, ошқозонлар

КЕРАК

Меҳнат ҳақи ишбай. Иш кўчма характерда бўлганлиги учун 30 процент қўшимча ҳақ тўланади.

Мурожаат учун адрес: 702900, Тошкент область, Коммунистический район, Янгиобозор посёлкаси.

ҚҚАССР, Тўрткўл районидаги А. С. Пушкин номли ўрта мактаб гомонидан Ибрагим Сабуров номига берилган 156154 номерли йўқолган

ЎРТА МАЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Октябрь район халқ маорифи бўлими, маорифчилар касаба союз комитети ҳамда 41, 38-мактаблар коллективи 41-мактабнинг собиқ директори Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи

Ҳаким МУСАЕВнинг

вафот этганлигини билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этадилар.

Тошкент шаҳар «Райфи қозонхоналари» корхонаси коллективи план бўлими бошлиғи С. Қ. Ёқубовга отаси

Қодир ЁҚУБОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент Давлат маданият институтининг ректорати, партия ва касаба союз ташкилотлари фалсафа ва илмий коммунизм кафедрасининг катта ўқитувчиси Г. Маҳмудназаровга отаси

Маҳмудназар ЁҚУБОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000; ГСП, Тошкент, Ленин проспекти, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-33-66; саноат 32-33-83; қурилиш 32-58-85; шаҳар кўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари— 32-53-10; адабиёт ва санъат— 32-56-81; ахборот — 33-28-95, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-58-85, хатлар — 33-29-70; аълонлар бўлими — 38-81-42.

Р. 13010. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Нашр Д—1343.